

**Sevara M. KARIMOVA,**  
*Researcher of the International Islamic  
 Academy of Uzbekistan*  
*A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan*  
*E-mail: omina.19.11.83@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/6

## НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИГА ОИД МАНБАЛАРДА ХОЖА МУҲАММАД ПОРСОНИНГ ИЛМИЙ ТАЪСИРИ

## SCIENTIFIC INFLUENCE OF KHOJA MUHAMMAD PARSA IN SOURCES ON THE NAQSHBANDI ORDER

## ЗНАЧЕНИЕ ХОДЖИ МУҲАММАДА ПАРСЫ В ИСТОЧНИКАХ НАКШБАНДИЙСКОГО ТАРИКАТА

### КИРИШ

XIV-XV асрлар Мовароуннахр тарихини ёритиб берган манбалар қаторига форс тилида ёзилган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ат-таворих», Ҳофиз Абрунинг «География» ва «Зубдат ат-таворих», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасиҳ Аҳмад Хавафийнинг «Мужмали Фасиҳий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн» ва Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган «Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Темур» каби асарлар кириди.

Гарчи XV аср бошидан ички низолар, ўзаро курашлар мамлакат ички ҳаётига салбий таъсир ўтказган бўлсада, лекин ички осойишталик, маърифат ва маданиятга эътибор туфайли илмуфан ва маданият юксалиб, Мовароуннахр ва Хуросон яна Шарқнинг маърифат ва маданият маркази номини қайтариб олди.

Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида дин асосий ўрин эгаллаган бўлиб, мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини Куръон ва суннат асосида ишлаб чиқилган қоидалар (шариат) билан тартибга солиб туришгани ҳақида қатор тарихий ҳужжатлардан кўриш мумкин. Жумладан, XIII-XIV асрларда Тарихшунос Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушо» (Жаҳон фотиҳлари тарихи), Жузжонийнинг «Табақоти Носирий» (Носирий табақалари), Рашидидин Фазлуллоҳнинг «Жоме ат-таворих» (Тарихлар тўплами) асарлари мўғуллар

истилоси ва ҳукмронлиги даври тарихини чуқур ўрганишда кимматли манбалар ҳисобланади.

Барча илмлар қатори тасаввуф илми ҳам Мовароуннахрда ўзига хос тарзда вужудга келиб, ривожланди. Айниқса, XII-XIV асрлар тасаввуф тариқатлари даври дея эътироф этилади. Худди мана шу даврларда Ўрта Осиёда учта йирик «Яссавия», «Кубравия» ва «Хожагония» («Накшбандия») тариқатлари шуҳрат топди ва фаолият юритди (Шайх Нажмиддин Кубро, 2004:204).

Айни шу даврда, Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожига ўлкадан етишиб чиққан Аҳмад Яссавий (1041-1167), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Накшбанд (1318-1389), Хожа Муҳаммад Порсо (748/1348-823/1420 йй.), Хожа Аҳрор (1404-1490) каби алломаларнинг хизмати катта бўлган. Уларнинг фаолияти бутун ислом оламига ўз таъсирини ўтказган.

Тасаввуф илми пайдо бўлганидан бошлаб ўз тарихий тараққиётининг бир неча даврини босиб ўтди. Жумладан, исломшинос К.Раҳимов уларни куйидагича келтиради:

а) IX-X асрлар хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиши даври;

б) XI-XII асрлар тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиш даври. Бунда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим рол ўйнаган. Натижада Миср, Хуросон, Мовароуннахр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топди.

с) XIII-XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор давр бўлди. Сабаби, бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуктаи назардан, ҳам амалий томондан юксак чўққига кўтарилди. Бу давр тасаввуф адабиётининг олтин даври, дея эътироф этилади.

IX-XI асрларда асосан дастлаб тавҳид асосларига чуқурроқ эътибор берган. Кейинчалик, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари ривожланган. XIII аср ўрталаридан бошлаб эса тафаккурий-аклий йўналиши этакчилик қилган. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида «вахдат ал-вужуд» номи, деб ҳам юритилади. Тасаввуфий олимлар энди коинот тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, комил инсон концепцияси тушунчалари вужудга келди. Мисол учун Ибн Арабий ва Жалолиддин Румий каби суфийларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди.

**Аннотация.** Мақолада Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда илм-фан равнақи билан бир қаторда тасаввуфий адабиётлар ривожига ҳам кузатилгани, улар орасида нақибандия тариқатида оид адабиётлар салмоқли ўрин тутгани ёритилган. Шунингдек, Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожига ҳисса қўшган юртимиз алломалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Хожас Муҳаммад Порсо асарларининг таркиби ва мазмуни батафсил очиб берилган. Бундан ташқари, Порсо асарлари ҳақида тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий изланишлардан намуналар ҳам келтирилган бўлиб, уларнинг тадқиқий хулосалари баён қилинган. Мақолада Порсонинг нақибандия тариқатидаги мавқеи ва нуфузи, асарларининг аҳамияти далиллар билан очиб берилган. Шу билан бирга, XIII-XIV асрларда мутасаввифлар томонидан тариқатларнинг назарий-амалий жиҳатлари тизимга солингани ҳам қайд этилган. Ундан ташқари Порсо ва Абдурахмон Жомий ўртасидаги ўзаро руҳан боғлиқлик жиҳатлари баён қилинган. Шунингдек, Порсо суфий сифатида майдонга келиши, тасаввуф таълимоти борасида натижада фундаментал асарлар ёзган йирик тасаввуф назариётчиси сифатида дунёга танилишининг омиллари очиб берилган. Порсонинг нақибандия тариқати назарий асосларига бағишланган асарлари бениҳоя қадрлиги унинг «Рисолаи қудсия» ҳамда «Фасл ал-хитоб» асарлари борасидаги тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган. Хулосада, Мовароуннаҳрда юзага келган мураккаб маърифий-ғоявий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, хожасгон-нақибандия тариқатининг йирик вакили ва давомчиси, дея эътироф этилган Порсонинг Абдулҳалиқ Гиждувоний ва Хожас Баҳауддин Нақибанд ғояларини назарий жиҳатдан асослаб, тариқат таълимотидаги умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг эканини очиб беришда катта жонбозлик кўрсатгани очиб берилган.

**Калим сўзлар:** Мовароуннаҳр, XIV-XV асрлар, нақибандия тариқати, Хожас Муҳаммад Порсо, Абдурахмон Жомий, тасаввуф назариётчиси, тасаввуфий асар.

**Abstract.** The article highlights that alongside the flourishing of science in the 14th-15th centuries in Mawarannahr, the development of Sufi literature was also observed, with literature related to the Naqshbandi order holding a significant position. Additionally, information is provided about the scholars of our homeland who contributed to the development of Sufi orders in Central Asia. In particular, the structure and content of the works of Khoja Muhammad Porso are thoroughly analyzed. Furthermore, examples of scientific research conducted by scholars on Porso's works are presented, along with their research conclusions. The article highlights Porso's position and influence in the Naqshbandi order and the significance of his works, supported by evidence. It is also noted that during the 13th-14th centuries, the theoretical and practical aspects of Sufi orders were systematically organized by mystics. Moreover, the spiritual connection between Porso and Abdurrahman Jami is elaborated. The article explores Porso's emergence as a Sufi, his contribution to Sufi teachings, and the factors that led to his recognition as a prominent Sufi theorist who authored fundamental works in this field. The exceptional value of Porso's works dedicated to the theoretical foundations of the Naqshbandi order, particularly his treatises «Risalai Qudsiyya» and "Fasl al-Khitab", is analyzed based on research. In conclusion, it is revealed that, considering the complex intellectual and ideological situation in Mawarannahr, Porso is recognized as one of the prominent theorists of Sufi teachings at the end of the 14th century and a significant representative and successor of the Khwajagan-Naqshbandi order. He played a crucial role in theoretically substantiating the ideas of Abdulkhaliq Gijduvani and Khoja Bahauddin Naqshband, demonstrating their harmony with universal human values within the teachings of the order.

**Keywords:** Mawarannahr, 14th-15th centuries, Naqshbandi order, Khoja Muhammad Porso, Abdurrahman Jami, Sufi theorist, Sufi literature.

**Аннотация.** В статье подчеркивается, что наряду с развитием наук в Мавераннахре в XIV-XV веках наблюдалось и развитие суфийской литературы, среди которой значительное место занимали труды, связанные с тариқатом нақибандия. Кроме того, представлены сведения об учёных нашей родины, которые внесли вклад в развитие суфийских тариқатов в Центральной Азии. В частности, подробно раскрыты структура и содержание трудов Ходжи Мухаммада Парса. Также приведены примеры научных исследований, проведённых учёными по трудам Парса, и изложены их исследовательские выводы. В статье подчеркивается положение и авторитет Порсо в тариқате нақибандия, а также значимость его трудов. Отмечено, что в XIII-XIV веках суфиями была систематизирована теоретическая и практическая основы тариқатов. Кроме того, раскрыты аспекты духовной связи между Парса и Абдурахманом Джами. В статье рассмотрено становление Парса как суфия, его вклад в суфийское учение и факторы, благодаря которым он стал известен как выдающийся теоретик суфизма, автор фундаментальных трудов в этой области. Исключительная ценность трудов Порсо, посвящённых теоретическим основам тариқата нақибандия, в частности его трактатов «Рисолаи Кудсия» и «Фасл ал-Хитоб», проанализирована на основе исследований. В заключении раскрывается, что, исходя из сложной интеллектуально-идеологической ситуации в Мавераннахре, Парса был признан одним из видных теоретиков суфийского учения конца XIV века, значимым представителем и последователем тариқата хаджагон-нақибандия. Он сыграл важную роль в теоретическом обосновании идей Абдулхалика Гиждувани и Ходжи Бахауддина Нақибанда, продемонстрировав их гармонию с общечеловеческими ценностями в учении тариқата.

**Ключевые слова:** Мавераннахр, XIV-XV века, тариқат Нақибандия, Ходжа Мухаммад Порсо, Абдурахман Джами, теоретик суфизма, суфийская литература.

Шундай қилиб, илохий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат юзага келди (Комилов Н., 1999:14-15).

### АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиёга тасаввуф таълимотининг кириб келиши тариқатлар тарихини ёритиш аъъанасига кўра, ўз даврининг суфий алломаси Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) номи билан боғлиқ. Юсуф Ҳамадоний мактабида илм-у ирфон сабоғини олган Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувоний таълимоти минтақада тасаввуф тараққиётининг кейинги босқичларида муҳим ўрин тутди ҳамда икки мустақил тариқат яссавия ва ҳожагон (кейинчалик нақшбандия) тариқатларига пойдевор қўйганлар. Мисол учун кўплаб ғарб ва ўзбек тарихчилари нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий томонларини илк бор Абдуҳолик Ғиждувоний (в.1179-й.) ва Баҳоуддин Нақшбанд (в.1389-й.) асослаб беришганини қайд этишган (Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида, 1997:13).

Ҳожагон тариқати XIV асрга келиб, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан янада такомиллаштирилди. Бу эса Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлигидан кейинги маънавий ҳаётнинг янгича йўналишда шаклланишига асос бўлди. XIV-XV асрлардан бошлаб ушбу тариқат вакиллари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошладилар. Амир Темури томонидан марказлашган давлатнинг ташкил этилиши тариқат вакилларининг нафақат диний-маънавий соҳадаги назарий, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалий фаолият юритишлари учун ҳам шароит яратди. Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий каби йирик мутафаккирларнинг фаолияти эса ҳожагон-нақшбандия тариқатининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир қилди ва тариқат аҳлининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун туртки бўлди.

Марказий Осиё тасаввуфи намоёндалари таълимотни шариат асослари билан мувофиқ бўлишига урғу беришди. Бу ўлкадаги кубровия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари сунний эътиқод ҳимоясида мустаҳкам турган тариқатлар қаторидан жой эгаллашига сабабчи бўлди. Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий мақсади тариқатни ҳанафий мазҳабига мувофиқ ҳолда ривожлантириб, унга ёт бўлган

оқимларнинг қарашларидан ҳимоя қилишдан иборат эди. Натижада, нақшбандия тариқати сунний мазҳаблар вакиллари орасида кенг тарқалди. Нақшбандия таълимоти айна ҳанафий мазҳаби асосида шаклланди ва тариқат аъзолари мотуридия эътиқоди доирасида фаолият олиб борди.

Мовароуннаҳрда юзага келган мураккаб ақидавий-ғоявий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, ҳожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва давомчиси, дея эътироф этилган Хожа Муҳаммад Порсо ҳожагон-нақшбандия таълимоти назариясини янада юксак даражага кўтарилишига сабабчи бўлди.

К.Раҳимов ўзининг «Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи» номли монографиясида Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ал-хитоб» асарини нақшбандия тариқатига оид асосий манбалардан бири сифатида, эътироф этган. Тадқиқотчи Порсонинг «Фасл ал-хитоб» асари билан Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-Таарруф» асарини қиёслаб, «Фасл ал-хитоб»да «Шарҳ ат-Таарруф»дан олинган иқтибослар катта қисми ташкил этиши, «Шарҳ ат-Таарруф» асарининг унга таъсири кўпроқ назарий ва доктринал ҳарактерга эга экани, «Фасл ал-хитоб» асарининг уч аср кейин ёзилганига қарамасдан асар нақшбандия тариқатининг асосий назарий манбаларидан бири бўлганини инобатга олган ҳолда «Шарҳ ат-Таарруф» асарининг бевосита «Фасл ал-хитоб» орқали тариқатга кўрсатган таъсирини, таъкидлаган. Бундан ташқари, К.Раҳимов Мовароуннаҳрда асосан нақшбандия тариқати тарихида Абу Бакр Гулободий (Қалобозий, 917-995) ва Мустамлий Бухорийнинг илмий мерослари қанчалик муҳим манба эканини исботлаб, уларнинг асарлари таъсирида кейинги даврларда Хожа Муҳаммад Порсо, Жомий ва Алишер Навоийнинг асарлари учун асосий пойдевор бўлиб хизмат қилганини ҳам далиллар билан очиқ берган (Раҳимов К., 2020:64-98).

Нақшбандия тариқатига оид илк қўлёзма каталогларидан бири Ш.Бобохонов, А.Мансуров томонидан тузилган «Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар» феҳристида Хожа Муҳаммад Порсонинг асарлари ҳам санаб ўтилган (Бобохонов Ш., Мансуров А., 1993:127). Бу феҳристда 157та манба номи, муаллифлари, асарнинг ёзилган ёки қўчирилган санаси, асарнинг мазмун моҳияти, асарнинг нусхалар сони ва уларнинг инвентарь рақамлари тартиб билан берилган. Қўшимча қилиб эса 34та муаллифи номаълум бўлган асарлар ва 4та



номи ҳам, муаллифи ҳам номаълум асарлар ҳам келтирилган.

Фехрист нақшбандия манбалари асосида тузилгани боис, унда тариқат тарихи ва моҳияти ҳақидаги маълумотларни ўзида жам қилган нодир манбаларнинг силсиласи баён қилинган. Бундан ташқари, унда келтирилган маълумотлар ёрдамида асарларнинг услубларини ҳам кўриш мумкин. Фехристуаги манбалар тартиби асосан, уларнинг тариқатдаги мавқеига қараб, жойлаштирилган.

Дастлаб фехристуа Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг 783/1383-йилда ёзилган «Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликийин» (انيس الطالبين وعدة السالكين – Толиблар ошноси ва соликлар раҳномоси) асаридир. Асар «Мақомоти ҳазрати Хожаи Нақшбанд» номи билан ҳам машҳурдир. Муаллиф асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт тарзи, кашф-у кароматлари ва пурҳикмат сўзларидан намуналарни ўзида жамлаган. тарихчи Н.Хидирова асар Алоуддин Аттор топшириғига кўра ёзилган бўлиб, унга Аттор рухсат берган ҳикояларгина киритилганини таъкидлайди. Манбанинг инвентарь рақами № 2520/І бўлиб, унинг яна 27та бошқа нусхалари бор. Асарнинг айрим нусхалари Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими кутубхонасида ва Лондонда сақланади. Жумладан, тарихшунос Н.Хидирова «Хожа Муҳаммад Порсонинг хожагон-нақшбандия тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли» номли тадқиқотида асосий манба сифатида мазкур асарни келтириб, асарнинг муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам учрашини таъкидлайди (Хидирова Н., 2003:72-73). Тадқиқот давомида юқоридаги фехристуа асосланиб, асар муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо эмас, деган хулосага келади. Эронлик тадқиқотчи Марям Ҳусайн эса «Нақшбандиянинг ўн бир тамойилининг шаклланиш жараёни» номли мақоласида айни «Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликийин» асар муаллифи сифатида Салоҳ ибн Муборак Бухорийни келтириб, унинг нақшбандия тариқатига оид манбалар қаторида бирламчи манба эканини келтиради. Бундан ташқари Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва «Фасл ал-хитоб» асарларини ҳам асосий манбалар сифатида келтириб ўтади (Марям Ҳоссеини, 2021).

Хожа Муҳаммад Порсонинг тўлиқ номини Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз Бухорий (в.822/1419й.), дея келтириб ўтилган. Фехристуа Порсо қаламига мансуб, бизга маълум бўлган 18та асардан 11таси қайд этилган:

«Рисолаи қудсия» (رسالهء قدسيه – Муқаддас рисола) асари ҳақида муаллифнинг ўзи шундай дейди: «Ҳақиқий, ихлосманд толиблар бу сўзларни мутолаа қилаётганларида ўзларини гўё Ҳазратнинг (яъни, Нақшбанднинг) ўзи билан суҳбатлашаётгандек ҳис қиладилар». Асар форс тилида ёзилган бўлиб, равон ва тушунарли. Асарда тариқатга оид батафсил маълумотлар топиш мумкинлиги ҳақида тадқиқотчилар томонидан айтиб ўтилган. Шу сабабли, тариқат вакиллари орасида бу асарни ўрганмасдан туриб, тариқатга қадам қўйиш хатодир, деган нақл ҳам тарқалган. Асар №2517/VII рақами остида сақланади ва бундан бошқа яна қўлёзма 8та нусхаси бор. Ҳозирда «Рисолаи қудсия» қўлёзмалари Истанбулнинг Аё София кутубхонаси, Париж, Қоҳира, Британия музейи ва Техрон фондларида мавжуд. Уларнинг ичида энг қадимий нусхаси ҳижрий 855-йилда ёзилган Аё София нусхасидир. Бу асар бўйича энг кўп илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, бу борада эронликлар пешқадамдир. Асар бир неча бор нашр қилинган ва ҳозиргача унинг борасида тадқиқот ишлари тугамаган. Масалан, эронлик тадқиқотчи Марям Ҳусайн ўз мақоласида Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва «Фасл ал-хитоб» асарларини «Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликийин»дан кейин турувчи нақшбандия тариқатига оид асосий манбалардан бири, дея эътироф этиб, асарнинг бошқа манбалардан устун томонларини исботлаб баён қилган.

«Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» (مقامات) – Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг мақомоти);

«Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» (مقامات خواجه) – Хожа Алоуддин Аттор мақомоти);

«Рисола» (رساله – Рисола) Хожа Муҳаммад Порсо бу асарида бевосита ўзининг Баҳоуддин Нақшбанд ва Алоуддин Аттор билан мулоқотлари баён қилинган;

«Таҳқиқот» (تحقيقات – Таҳқиқлар) асари эса Хожа Муҳаммад Порсонинг тасаввуфга оид йирик асарларидан бири бўлиб, унда тариқатга доир турли масалалар кенг ёритиб берилган;

«Рисолаи маҳбубийя» (رسالهء محبوبيه) – Маҳбубга аталган рисола) асарида инсоннинг Аллоҳга ҳамда ўзидан бошқаларга нисбатан бўлган муҳаббати ва дўстона муносабати қай даражада бўлиши лозимлиги баён этилган. Бу масалалар оят ва ҳадислар билан асослаб берилган;

«Рисолаи кашфия» (رسالهء كشفيه – Кашф рисоласи) асарида дин, адаб, зикр, вужуд, кашф

каби тушунчаларнинг тасаввуф нуктаи назаридан таҳлили берилган;

«Анфоси қудсийи машойихи тариқат» (اوصاف قدسيهء مشايخ طريقت – Тариқат машойихларининг муқаддас васфлари) рисолада инсондаги ахлоқий даражаларни янада юксак мақомларга кўтариш масалаларига доир оят, ҳадис ҳамда машойихларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтирилган;

«Фасл ал-хитоб» (فصل الخطاب – Кескин хитоб) асари эса тасаввуф борасида маълумот берадиган энг йирик манбалардан ва муаллифнинг шоҳ асари, дея эътироф этилади. Бу манба Порсонинг энг кўп тадқиқ қилинган асари ҳисобланади. Унда ислом ақидаси, ибодати, шариат ва тариқат аҳкомлари илмий ва тасаввуфий жиҳатлардан атрофлича таҳлил этилган;

«Силсилаи тариқи Хожагон» (سلسله طريق – Хожагон тариқати силсиласи) Жонибек Султоннинг илтимосига кўра ёзилган асар бўлиб, унда хожагон тариқатининг дастлабки давридан бошлаб ўтган барча машойихлар силсиласи ва солиқлар учун бир қанча керакли тавсиялар муфассал баён этилган.

## МУҲОКАМА

Тадқиқотчи Н.Хидирова биринчилардан бўлиб Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёти ва меросини комплекс тадқиқ қилган ўзбек олималаридан ҳисобланади. Тадқиқотчи изланиш жараёнида ЎзРФА Шарқшунослик институтида №11399/II, №2319, №5487 рақам остида сақланаётган манбалар асосида Хожа Муҳаммад Порсонинг шоғирди Абулқосим ибн Муҳаммад ибн Масъуд Бухорийнинг 1420-1424-йиллар орасида ёзилган «Рисолаи Баҳоия» асари, Абдурахмон Жомийнинг «Калимоти қудсияи Хожа Муҳаммад Порсо» рисоласи ва Фахриддин Али ибн Хусайн ал-Воиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарларидан фойдаланган ҳолда алломанинг ҳаёт йўли ва фаолиятини ҳамда илмий меросларини оммага тақдим этган (Хидирова Н., 2003:49-53).

Ш.Зиёдов илмий изланишларида Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода шахсий кутубхона ташкил этиб, унда ўзининг асарлари билан бирга бошқа алломаларнинг калом, фикр, тафсир, мантик, сарф ва наҳв, тарих, ақлий илмларга оид асарлари ҳам сақлаганини аниқлаган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу кутубхонанинг махсус мухри бўлиб,

унда сақланадиган китобларнинг барчасига белги сифатида муҳр босилган (Ш. Зиёдов, 2009:106-114).

Эронлик тадқиқотчи Марям Хусайн «Нақшбандиянинг ўн бир тамойилининг шаклланиш жараёни» номли мақоласида эса нақшбандия тариқатига оид манбалар қаторида Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва «Фасл ал-хитоб» асарларини ҳам асосий манбалар сифатида санаб ўтади.

Жумладан, Ж.Холмўминов Хожа Муҳаммад Порсонинг шоҳ асарларидан бири бўлган «Фасл ал-хитоб»даги суннийлар эътироф этган хулафои рошидин ва шиалар ихлос билан қарайдиган аҳли байт – имомлар ҳақидаги ижобий ҳамда мўътадил фикр-мулоҳазаларини, Аллоҳни маърифат этиш (таниш, англаш), Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мўъжизалари ва авлиёуллоҳнинг кароматлари (нубувват ва валоят) хусусидаги баҳсларни Қуръони карим оятларини, Пайғамбар Муҳаммад (сав) ҳадислари ва турли тасаввуфий-ирфоний тариқатлар ва мактабларга мансуб бўлган орифлар ва шайхларнинг сўзларини далиллар билан келтириб изоҳлаб берган (Холмўминов Ж., 2020:18).

Л.Асророва «Фасл ал-хитоб» асарида тасаввуф, тафсир, ақида масалалари, илм, турли хил оқим ва мазҳаблар, астрономия, фалсафа, мантик, география, илми нужум, нутқ маданияти, физика, тарихга оид 494та масалани ўз ичига олиб, унда руҳнинг ички интизоми, тасаввур ва тафаккур, ҳаёл ва борлиқнинг онгга, онгнинг борлиққа таъсири каби масалалар устида ҳам баҳс-мунозара юритилгани ҳақида маълумот берган (Асророва Л.Қ., 2019:29).

Ҳофизи Абрў «География» асарида: «... Бухоро ҳар доим фақирлар йиғингоҳи, фозил кишилар макони ва олимлар етиштириладиган маскан бўлган. Бухоро аҳлининг тили – форс тилидир. У ерда улуг шахслар кўп етишган.... Хожа Муҳаммад Порсо – катта олим ва ҳудожўй зоҳид киши эди: у илм ва амални бир-бирига қўшди», дея Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган (Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида, 1997:72-73).

Тарихчи Ҳерман Вамбери эса ўзининг Бухорога қилган саёҳати ҳақида шундай фикрларни билдирган: «Темурийлар давридаги сингари маданиятга ҳавас қўймоқ – Андалусия умавийлар давлатининг порлоқ даври билан Арабистондаги аббосийларнинг илк ҳукмронлик замонини истисно этганда – ислом оламининг бошқа биронта

жойида содир бўлмади. Шарқнинг «ан-Нос ало дини маликиҳим» («халқ ўз подшосининг динига эргашади») қондаси хотирага олинганда, бу ҳолнинг ажабланарли жойи йўқ». У ўз фикрини давом эттириб: «Гарчи темурийларнинг тараққиёт даврига Эронда мўғул ҳукмдорлари вақтидаги фикрий уйғонишнинг давоми назари билан қарамоқ лозим бўлса ҳам, аммо фанлар ва санъат Мароғи, Табриз, Султония саройларида ҳеч қачон Ҳирот ва Самарқанддаги каби кўп ва турли шаклларда порламади».

### НАТИЖА

XIII-XIV асрларда мутасаввифлар томонидан тариқатларнинг назарий-амалий жиҳатлари тизимга солингани қайт этилган. Бу даврда мутафаккир адиблар ва ориф суфийлар билан бирга Азизиддин Насафий (638/1240-731/1330 йй.), Ибн Сабоин (XIV аср), Абдураззоқ Кошонийлар (XIV аср) қаторида Хожа Муҳаммад Порсонинг тилга олиниши юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Ирфон орқали суфийлар олам ва одам, қазо ва қадар, эрк ва ихтиёр, суврат ва маъно, ақл ва рух, вақт ва замон хусусида кўплаб янги қарашлари билан тариқатнинг ривожланишига ва оммага кенг миқёсда ёйилиши, яъни халқларнинг ҳаёт тарзига кириб боришига замин яратишди. Натижада, ўз услублари билан янгича бурилиш ясаб, таълимотнинг раванқ топиб, инсоний маърифат, инсоний кечинмалар тасвири ҳамда таҳлили қарашлари оқибатида ўзлари ўйламаган янгича маъно касб этган ҳолда ўз ғояларида комил инсон хислатларини атрофлича очиб берилган асарлар юзага кела бошлади.

Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Алишер Навоий (1441-1501) ўз асарларида бирор бир валийни таърифлаганда унинг замонасидаги қандай улуг зотларнинг суҳбатига етишганига алоҳида ургу берадилар. Мисол учун, Жомийнинг энг кичик шарҳномаси «Куллиёти Жомий»да ўрин эгаллаган «Рисолаи суханони Хожа Порсо» асари баъзи манбаларда «ал-Ҳошия ал-қудсия», тадқиқотчилар томонидан эса «Суханони Хожа Порсо», деб аталган рисола ярим форс, ярим араб тилида ёзилган бўлиб, шеърӣ парчалар билан безатилган. Рисолада Хожа Муҳаммад Порсонинг сўзлари, шарҳлари ва ваҳдат ул-вужуд таълимотига оид мулоҳазалари киритилган.

Жомийнинг тасаввуф аҳли билан бўлган биринчи мулоқоти ҳам Хожа Муҳаммад Порсо

зиёрати билан бошланган. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...» ва Фаҳриддин Алийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»да келтиришларича, бу мулоқот беш ёшли Жомийда гўзал бир таассурот қолдирган экан.

Жомийнинг тасаввуф ва ирфон фалсафаси тарихидаги энг буюк хизмати ҳам шундан иборатки, у Хожа Муҳаммад Порсонинг қарашларида нақшбандия тариқатини фалсафӣ-ирфонӣ таълимот даражасига кўтариб, ваҳдат ул-вужуд, тавҳид, вожиб ул-вужуд каби ирфонӣ ва каломӣ тушунчаларни олиб кирди.

Ж.Холмўминов Жомийни Ибн Арабий таълимоти билан таништирган биринчи манба Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ал-хитоб» ва «шарҳи фусус» каби асарлари бўлганини таъкидлаб, далил сифатида Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...»да Хожа Муҳаммад Порсонинг муҳаббат билан тилга олиши ва нақшбандия тариқатининг одобига доир асарларида («Рисолаи шароити зикр», «Рисолаи ло илоҳа иллаллоҳ») «Рисолаи қудсия» (Хожа Муҳаммад Порсо асари) услубини қўллаганини келтириб ўтган.

XV асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, аввал Мовароуннаҳрда, сўнг Хуросонда нақшбандия тариқати ҳукмрон доиралар орасида ҳам тарқалди. Аммо, амалий, ижтимоӣ-сиёсий йўналишда ривожланиб бораётган бу таълимотда фалсафӣ-ирфонӣ қарашларга иккинчи даражали масала сифатида қараш одат тусига кира бошлади. Натижада, XV асрнинг нақшбандия муҳити ва ирфон фалсафаси ўртасида узилиш пайдо бўлди. Бу узулиш шу йўсинда давом этаверса, тасаввуф расм-у одоблар мажмуасидан таркиб топган ҳаракатга айланиши мумкин эди.

Тадқиқотчи А.Муҳаммадхожаевнинг аниқлашича, ваҳдат ул-вужуд унсурлар нақшбандия тариқатига икки йўл билан кириб келган. Биринчиси, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари – Муҳаммад Порсо ва Мавлоно Яъқуб Чархӣ бўлса, иккинчиси эса Низомиддин Хомушнинг муриди, Мавлоно Жомийнинг муршиди – Саъдиддин Кошғарӣ таълимоти орқали тарқалган. Жомий ана шундай бир шароитда маърифат майдонига келиб, ўзига устоз деб ҳисоблаган Хожа Муҳаммад Порсонини ишини давом эттирди. Яъни у нақшбандия тариқати мавқеида бўла туриб, ваҳдат ул-вужуд таълимотини нақшбандийликка олиб киришга ҳаракат қилди, дея таъкидлайди.

Хожа Муҳаммад Порсо билан замондош бўлган Яъқуб Чархӣ (в.1447-йй.), Абдулҳолик Ғиждувонӣ, Абу Саид Абулхайр (в.1048-йй.)



асарлари ва шеърлари, Хожа Абдуллох Ансорийнинг (1005-1088) «Муножотнома», «Зод ал-орифин», «Канз ас-соликин», «Рисолайи воридот», «Илоҳийнома», Саъдиддин Хамавий, Фаридиддин Аттор каби алломаларнинг ноёб асарларининг тариқат ривожига таъсири катта бўлганини ҳам эслаб ўтиш жоиз (Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари: Методик библиогр. Справочник, 2004).

## ХУЛОСА

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Порсо асарлари борасидаги изланишлар тасаввуф тарихи бошқа илмлар қаторида босқичма-босқич ва изчил равишда тараққий этганидан дарак берса, манбалардаги маълумотлар эса даврлардаги илмий муҳитни очиб беради. Ёзилган ҳар қандай асар ҳар бир даврдаги ижтимоий муҳит талаби асосида вужудга келгани, натижада бу омил таъсирида зарур бўлган тармоқ ривожланиб, раванқ топа бошлаганини кўрсатади. Жумладан манбалардан нақшбандия тариқатига оид асарлар муаллифи сифатида Хожа Муҳаммад Порсо асосий шахс ҳисобланади. Чунки, унинг нақшбандия тариқатидаги ўрни ва аҳамияти, унинг тариқат учун қилган хизматлари, фаолият даври ва шахсиятига оид маълумотлар, айниқса, унинг илмий мероси бўйича қилинган изланишлар тариқат ривожига ҳақида хулоса қилиш учун бирламчи аҳамиятлидир. Манбалар эса муаллифнинг дунёқаршини таҳлил қилиб, ўзига хос услубларини аниқлашда асосий омилдир. Тадқиқот ишлари бир-биридан услублари жиҳатидан фарқ қилишига қарамасдан уларнинг хулосалари яхлит, яъни Хожа Муҳаммад Порсо нафақат тасаввуф олими балки ҳозирда нақшбандия тариқатининг дунё бўйлаб тарқалиши учун асосий кўприк вазифасини бажарганини ва унинг ўзи эса беназир шахс бўлганини эътироф этади.

Демак, Хожа Муҳаммад Порсо ўз тариқатининг назарий асосларини мустаҳкамлаш йўлидан бориб нақшбандия тариқати, шунингдек, умуман, тасаввуф таълимоти борасида натижада фундаментал асарлар ёзувчи йирик тасаввуф назариётчиси сифатида танилди. У ўздан тафсир, фикх, тасаввуф ва калом илмларига оид кўплаб асарларни қолдирган бўлиб, уларнинг орасида нақшбандия тариқатининг назарий асосларига бағишланган асарлари бениҳоя қадрлидир. Нақшбандия тариқати тарихида Хожа Муҳаммад Порсо номи чуқур из қолдиргани боис, унинг тариқат учун қилган хизматлари бениҳоят аҳамиятлидир.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Xayrullayev, M. M., O'rinboyev, A., & Bo'riyev, O. (1997). Temuriylar bunyodkorligi davr manbalarida. A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.
2. Asrorova, L. Q. (2019). Alouddin Buxoriy «Hayratu-l-fuqaho» asarining islom manbashunosligida tutgan o'rni (Unpublished doctoral dissertation). XIA, Tashkent.
3. Shayx Najmiddin Kubro. (2004). Tasavvufiy hayot (I. Haqqulov & A. Bektosheva, Trans.). Movarounnahr.
4. Komilov, N. (1999). Tasavvuf. Movarounnahr O'zbekiston.
5. Rahimov, K. (2020). Movarounnahr tasavvufi tarixi: ta'limotning shakllanishi va tizimlashtirilishi (VIII-XI asrlar). Akademnashr.
6. Boboxonov, Sh., & Mansurov, A. (1993). Naqshbandiya tariqatiga oid qo'lyozmalar fihristi. O'z FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti, O'zbekiston Respublikasi Islom hamkorlik fondi. Movarounnahr.
7. Xidirova, N. (2003). Xoja Muhammad Porso tafsirining noyob qo'lyozmasi. O'zbekiston tarixi.
8. Xolmo'minov, J. (2020). Xoja Muhammad Porso Buxoriy. Tosh DSH, Tashkent.
9. Xolmo'minov, J. (2008). Jomiy va Vahdat ul-vujud ta'limoti. Tashkent.
10. O'zR FA SHI. (n.d.). 1331-raqamli qo'lyozma. B. 566a. 570b.
11. Hosseini, M. (2021). The process of the formation of the eleven principles of the Naqshbandiyya order in the remaining texts from the beginning to Rashahat Ayn Al-hayat. Gawhar-Guya, 15(1), 46.

## REFERENCES

1. Khayrullayev, M. M., Orinboyev, A., & Buriyev, O. (1997). Temuriylar Bunyodkorligi Davr Manbalarida. Tashkent: A. Qodiriy National Heritage Publishing House.
2. Asrorova, L. Q. (2019). Alauddin Bukhari: Hayrat al-Fuqaha Asarining Islom Manbashunosligida Tutgan O'rni (Unpublished doctoral dissertation). Academy of Sciences of Uzbekistan, Tashkent.
3. Shaykh Najm al-Din Kubra. (2004). Tasawwufi Hayot (Trans. I. Haqqulov & A. Bektosheva). Tashkent: Movarounnahr Publishing House.
4. Komilov, N. (1999). Tasawwuf. Tashkent: Movarounnahr.
5. Rahimov, K. (2020). Movarounnahr Tasawwufi Tarixi: Ta'limotning Shakllanishi va Tizimlashtirilishi (VIII-XI Asrlar). Tashkent: Akademnashr.
6. Bobokhonov, Sh., & Mansurov, A. (1993). Naqshbandiya Tariqatiga Oid Qo'lyozmalar Fihristi. Tashkent: Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of Uzbekistan, Islamic Cooperation Fund.

7. Khidirova, N. (2003). Khoja Muhammad Porso Tafsirining Noyob Qo'lyozmasi. Uzbekistan History.
8. Kholmominov, J. (2020). Khoja Muhammad Porso Bukhari. Tashkent: Tashkent State Law University.
9. Kholmominov, J. (2008). Jami va Vahdat al-Wujud Ta'limoti. Tashkent.
10. Academy of Sciences of Uzbekistan, Institute of Oriental Studies. (n.d.). Manuscript No. 1331. B. 566a. 570b.
11. Hosseini, M. (2021). The Process of the Formation of the Eleven Principles of the Naqshbandiyya Order in the Remaining Texts from the Beginning to Rashahat Ayn al-Hayat. Gawhar-Guya, 15(1), 46.

